

**“Ангрен логистика маркази” АЖ  
кузатув кенгашининг 3-сонли йиғилиш баёни**

**Ўтказиш санаси:** 2022 йил 29 ноябрь

**Ўтказиш жойи:** Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 45-уй  
Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги  
Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг маъмурий биноси.

**Ўтказиш вақти:** Соат 11:00 да.

**Йиғилишда иштирок этган кузатув кенгаши аъзолари:**

- |    |                              |                        |
|----|------------------------------|------------------------|
| 1. | Хайдаров Алишер Юсуфжонович  | кузатув кенгаши аъзоси |
| 2. | Жуланов Камол Жуланович      | кузатув кенгаши аъзоси |
| 3. | Тугизбаев Аъзам Абдураимович | кузатув кенгаши аъзоси |
| 4. | Синдаров Жамшид Нуриддинович | кузатув кенгаши аъзоси |
| 5. | Мирзаев Зафар Захирович      | кузатув кенгаши аъзоси |

**Йиғилишга таклиф қилинганлар:**

- |    |              |   |
|----|--------------|---|
| 1. | Б.Абдураимов | “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори   |
| 2. | Т.Шодиева    | “Ангрен логистика маркази” АЖ девонхона мудир |

**Кузатув кенгашининг йиғилиши кун тартиби:**

1.	“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши раисини сайлаш тўғрисида.
2.	“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитаси раиси ва аъзоларини сайлаш тўғрисида.
3.	“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси раиси ва аъзоларини сайлаш тўғрисида.
5.	“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси раиси ва аъзоларини сайлаш тўғрисида.
5.	“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси раиси ва аъзоларини сайлаш тўғрисида.
6.	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг раҳбари ва ходимларини лавозимга тайинлаш ва ички аудит хизмати ходимларининг иш ҳақи миқдорини белгилаш тўғрисида.
7.	“Ангрен логистика маркази” АЖга “Махсусюктранс” МЧЖ томонидан 2021 йилда олган соф фойдасидан ажратилган дивиденд(ажратмаси)ни тақсимлаш тўғрисида.
8.	“Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2022 йил учинчи чоракдаги молиявий-ҳўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
9.	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил учун Бизнес-режасини тасдиқлаш тўғрисида.
10.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги 5197-сонли “Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ижросини ташкиллаштириш тўғрисида.

Йиғилишда кузатув кенгаши аъзоларини 5 нафар аъзосидан 5 нафари, 100% иштирок этаётганлиги сабабли йиғилишни ўтказиш учун етарли кворум мавжуд. Йиғилиш очик деб эълон қилинди.

**1. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши раисини сайлаш тўғрисида”ги биринчи масала** юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “Жамият кузатув кенгашининг раиси” деб номланган 77-моддасига асосан жамият кузатув кенгашининг раиси, агар жамият уставида ўзгача коида назарда тутилмаган бўлса, кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланиши, жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этиши, кузатув кенгаши мажлисларини чақириши ва уларда раислик қилиши, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этиши, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилиши, агар жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга ошириши белгиланганлиги тўғрисида маълумот берди.

А.Хайдаров, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 28 январь куни 2755-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қарори билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарувчи малака аттестатини бериш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 2-банди талабларини инобатга олиб, “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашига аъзолиги учун номзоди кўрсатилиб, 2022 йил 12 октябрь куни “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори билан кузатув кенгаши аъзолигига сайланган акциядорлик жамиятларини фаолиятини ташкиллаштириш бўйича катта тажрибага эга Ж.Синдаровни жамиятнинг кузатув кенгаши раиси лавозимига сайлашни тавсия қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 5

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

**2. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитаси раиси ва аъзоларини сайлаш тўғрисида”ги иккинчи масала** юзасидан К.Жуланов сўзга чиқиб, 2022 йил 25 август куни “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилишида “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитаси тўғрисида”ги низомга асосан жамият кузатув кенгаши аъзоларидан 3 (уч) кишидан иборат таркибда Стратегия ва инвестициялар қўмитаси тузилганлигини маълум қилиб, унинг таркибига кузатув кенгаши аъзоларидан А.Хайдаров, А.Тугизбаев, З.Мирзаевни киритиш, кузатув кенгашининг мустақил аъзоси З.Мирзаевни Стратегия ва инвестициялар қўмитаси раиси лавозимига сайлашни тавсия қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 5

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

**3. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси раиси ва аъзоларини сайлаш тўғрисида”ги учинчи масала** юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, 2022 йил 25 август куни “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилишида “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси тўғрисида”ги низомга асосан жамият кузатув кенгаши аъзоларидан 3 (уч) кишидан иборат таркибда Аудит қўмитаси тузилганлигини маълум қилиб, унинг таркибига кузатув кенгаши аъзоларидан А.Хайдаров, К.Жуланов, З.Мирзаевни киритиш, кузатув кенгаши аъзоси К.Жулановни Аудит қўмитаси раиси лавозимига сайлашни тавсия қилди.



■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 5

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

4. **Кун тартибдаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг Кузатув кенгаши хузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси раиси ва аъзоларини сайлаш тўғрисида”ги тўртинчи масала** юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, 2022 йил 25 август куни “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилишида “Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши хузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тўғрисида”ги низомга асосан жамият кузатув кенгаши аъзоларидан 3 (уч) кишидан иборат таркибда Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тузилганлигини маълум қилиб, унинг таркибига кузатув кенгаши аъзоларидан А.Хайдаров, А.Тугизбаев, К.Жулановни киритиш, кузатув кенгаши аъзоси А.Тугизбаевни Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси раиси лавозимига сайлашни тавсия қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 5

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

5. **Кун тартибдаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши хузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси раиси ва аъзоларини сайлаш тўғрисида”ги бешинчи масала** юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, 2022 йил 25 август куни “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилишида “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши хузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси тўғрисида”ги низомга асосан жамият кузатув кенгаши аъзоларидан 3 (уч) кишидан иборат таркибда Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси тузилганлигини маълум қилиб, унинг таркибига кузатув кенгаши аъзоларидан А.Хайдаров, К.Жуланов, З.Мирзаевни киритиш, кузатув кенгаши аъзоси А.Хайдаровни Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси раиси лавозимига сайлашни тавсия қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 5

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

6. **Кун тартибдаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг раҳбари ва ходимларини лавозимга тайинлаш ва ички аудит хизмати ходимларининг иш ҳақи миқдорини белгилаш тўғрисида”ги олтинчи масала** юзасидан К.Жуланов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди:

- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “Жамиятнинг ички аудит хизмати” деб номланган 108-моддасида активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилиши белгиланган.

- Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “Жамият кузатув кенгашининг ваколат доираси” деб номланган 75-моддасидада Жамият кузатув кенгашига ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш юзасидан тавсиялар бериш, ички аудит хизматининг йиллик бюджетини тасдиқлаш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилган.

А.Хайдаров, 2022 йил 25 август куни ўтказилган “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан “Ангрен логистика маркази” АЖ таъсисчилигида ташкил этилган “Махсусюктранс” МЧЖни жамиятга қўшиб олиниб, “Махсусюктранс” МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мол-мулки баланс баҳосида белгиланган тартибда “Ангрен логистика маркази” АЖга топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида ўтказилганлиги натижасида “Ангрен логистика маркази” АЖ активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан кўпайганлиги учун жамиятнинг ички аудит хизматини тузиш, унинг ходимларини тайинлаш, уларни аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш бўйича қарор қабул қилиш учун жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига масалани киритишни таклиф қилди.

“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашига 2022 йил 22 ноябрь куни 000667-сонли Ички аудиторлик сертификатига эга аудитор С.Нуртаев солиқ тўловларини ҳисобга олмаганда 2 000 000 сўм миқдорда ҳар ой тўланадиган иш ҳаққи эвазига жамиятнинг 2023 йилги ички аудит хизматини амалга ошириш учун таклиф берган.

“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашига 2022 йил 23 ноябрь куни 0118-сонли Ички аудиторлик сертификатига эга аудитор Г.Сулейманова солиқ тўловларини ҳисобга олмаганда 5 000 000 сўм миқдорда ҳар ой тўланадиган иш ҳаққи эвазига жамиятнинг 2023 йилги ички аудит хизматини амалга ошириш учун таклиф берган (Ички аудит хизмати кўрсатишга номзодларни шахсий ҳужжатлари баённомага илова қилинади.).

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 5

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

**7. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖга “Махсусюктранс” МЧЖ томонидан 2021 йилда олган соф фойдасидан ажратилган дивиденд(ажратмаси)ни тақсимлаш тўғрисида”ги еттинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, 2022 йил 30 июнь куни ўтказилган “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши қарори билан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2021 йил якунлари бўйича соф фойдаси 171 877 минг сўмни ташкил қилганлигини ва олинган соф фойда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 мартдаги ПҚ–178-сонли қарорини инobatга олган ҳолда қуйидагича тақсимланганлигини маълум қилди:**

- соф фойданинг 5 фоизини ташкил қилган 8 593,85 минг сўми “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32-моддасига асосан жамиятнинг захира фондига ўтказилган;

- соф фойданинг 20 фоизини ташкил қилган 34 375,40 минг сўми жамиятни ривожлантириш учун йўналтирилган;

- соф фойданинг 75 фоизини ташкил қилган 128 907,75 минг сўми жамиятни акциядорларига дивиденд сифатида тўланган.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг таъсисчилигида таъсис этилган “Махсусюктранс” МЧЖни 2021 йил учун соф фойдаси 443 155 минг сўмни ташкил қилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 августдаги 204-сонли хизматда фойдаланиш учун тасдиқланган баёнининг “Давлат улуши устун мавқега эга бўлган айрим корхоналар рўйхати ва улар томонидан 2021 йил якуни бўйича соф фойдасидан давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган дивидендлар (ажратмалар) миқдори” деб номланган 2-иловасининг 18-бандида “Ангрен логистика маркази” АЖ 2021 йил соф фойдасидан тўланиши лозим бўлган дивиденд (5% солиғи билан бирга) 390,9 миллион сўм, шундан ташкил этилган корхоналар ҳисобидан, яъни “Махсусюктранс” МЧЖ ҳисобидан 263,2 миллион сўми 2022 йилнинг август – ноябрь ойларида тасдиқланган жадвал асосида тўлаш муддатлари белгиланган.



Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси 2022 йил 16 сентябрь куни 19171583-сонли “Солиқ қарзини узиш тўғрисида”ги электрон талабнома билан мурожаат қилиб, унда давлат улушлари бўйича давлат унитар корхоналарининг соф ажратмаларидан Солиқ кодексида белгиланган муддатларда солиқлар (йиғимлари) тўлиқ тўланмаганлиги натижасида 118 358 584,3 сўм миқдорда қарздорлик суммаси вужудга келганлиги ва солиқ қарздорлигини сўндириш чораси кўрилмаса солиқ қарздорлиги жамиятни мол-мулкига қаратилиши маълум қилган.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йил 27 сентябрдаги “Махсусюктранс” МЧЖнинг 2021 йилда олган соф фойдасидан дивиденд ажратиш тўғрисида”ги 29-сонли буйруғига асосан “Махсусюктранс” МЧЖни 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича 443 155 минг сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимланган:

- соф фойданинг 5 фоизини ташкил қилган 22 157,75 минг сўмлик қисмини “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасига асосан жамиятни захира фондига ўтказиш;

- соф фойданинг 20 фоизини ташкил қилган 88 631 минг сўмлик қисмини жамиятни ривожлантириш учун йўналтириш;

- соф фойданинг 75 фоизини ташкил қилган 332 366,25 минг сўми жамиятнинг ягона таъсисчиси “Ангрен логистика маркази” АЖга дивиденд тўлаш учун ажратиш.

Б.Абдураимов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 августдаги 204-сонли хизматда фойдаланиш учун тасдиқланган баёнининг “Давлат улуши устун мавқега эга бўлган айрим корхоналар рўйхати ва улар томонидан 2021 йил якуни бўйича соф фойдасидан давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган дивидендлар (ажратмалар) миқдори” деб номланган 2-иловаси талабларини бажариш мақсадида “Ангрен логистика маркази” АЖ таъсисчилигида ташкил этилган “Махсусюктранс” МЧЖни 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича олган 443 155 минг сўм соф фойдасидан “Ангрен логистика маркази” АЖга, яъни жамият соф фойдасини 75 фоизини ташкил қилган 332 366,25 минг сўмидан 5 фоиз дивиденд солиғини чегириб, ажратган 315 747,94 минг сўм соф фойдани қуйидагича тақсимлаш тўғрисида тақлиф киритди:

- соф фойданинг 5 фоизини ташкил қилган 15 787 396,85 сўмлик қисмини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32-моддасига асосан жамиятнинг захира фондига ўтказиш;

- соф фойданинг 11,7 фоизини ташкил қилган 36 726 470,15 сўмлик қисмини жамиятни ривожлантириш учун йўналтириш;

- соф фойданинг 83,3 фоизини ташкил қилган 263 234 070 минг сўми давлат улуши бўйича дивидендга йўналтириш учун ажратиш.

■ Масала кўриб чиқиб овозга кўйилди.

Розилар – 5

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

**8. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2022 йил учинчи чоракдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида”ги саккизинчи масала юзасидан А.Хайдаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлилининг ўтказиш Регламенти”га асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йил учинчи чоракдаги молиявий ҳолати таҳлил қилинганлигини ва Давлат активларини бошқариш агентлигини веб-сайтига**

(kpi.davaktiv.uz) жойлаштирилган жамият ижроия органининг самарадорлик муҳим кўрсаткичи (СМК) 1985,9 фозни, яъни юқори даражада ташкил этганлиги қайд этилган бўлсада, жамиятнинг паст рентабеллиги, тўлов қобилиятини йўқотганлиги, айланма маблағга эга эмаслиги, олинган даромад 2021 йил 4 январь куни “Ангрен логистика маркази” АЖ ва “Махсусюктранс” МЧЖ ўртасида “Ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиш тўғрисида”ги тузилган 1-сонли шартномага мувофиқ “Ангрен логистика маркази” АЖ тақдим этилган ҳисоб-фактурага асосан “Махсусюктранс” МЧЖ томонидан тўланганлиги, асосий транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатиш “Махсусюктранс” МЧЖ томонидан амалга оширилиб келаётганлиги аниқланганлиги тўғрисида маълумот берди ва шу муносабат билан жамият ижроия органининг 2022 йил учинчи чорак яқунлари бўйича ҳисоботини танқидий кўриб чиқишни таклиф қилди.

Б.Абдураимов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йил учинчи чорак яқунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисида қуйидагиларни маълум қилди:

- жами даромад 751 475 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (288 188 минг сўм) нисбатан 463 287 минг сўмга (160,7 фоиз) кўпайган, (316 957 минг сўм) режани 434 518 минг сўмга (237 фоиз) кўп бажарилган;
- давр харажатлари 501 749 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (150 268 минг сўм) нисбатан 351 481 минг сўмга (233,9 фоиз) кўпайган, белгиланган (208 907,5 минг сўм) режага нисбатан 292 841,5 минг сўмга (240,1 фоиз) кўп сарф-харажат қилинган;
- соф фойда 230 209 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (124 419 минг сўм) нисбатан 105 790 минг сўмга (85 фоиз) кўпайган, белгиланган (95 370,8 минг сўм) режани 134 838,2 минг сўмга (241,3 фоиз) кўп бажарилган;
- дебиторлик қарздорлиги 445 598 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига (534 094 минг сўм) нисбатан 88 496 минг сўмга (16,5 фоиз) камайган, бунда муддати ўтган дебиторлик қарздорлик 414 966 минг сўмни ташкил этган;
- кредиторлик қарздорлиги 498 306 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига (695 156 минг сўм) нисбатан 196 850 минг сўмга (28,3 фоиз) камайган, бунда муддати ўтган кредиторлик қарздорлик 352 812 минг сўмни ташкил этган.

2010 – 2018 йиллар мобайнида транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатилган 13 та мижоз ташкилотлардан “Ангрен логистика маркази” АЖ фойдасига 1 852 593 минг сўм асосий қарз, 268 489 минг сўм пеня ундириш бўйича хўжалик (иқтисодий) судларни қарорлари қабул қилиниб тааллуқлилиги бўйича туман ва шаҳар мажбурий ижро бюроси (суд ижрочилари) бўлимига ижро варақалари ижросини таъминлаш учун белгиланган тартибда юборилган.

2022 йил 1 октябрь ҳолатига туман ва шаҳар мажбурий ижро бюроси (суд ижрочилари) бўлими томонидан ушбу ижро варақасида қайд этилган қарздорлик суммасини 414 966 минг сўмлик қисми ундирилмаган.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2022 йил учинчи чорак яқунлари бўйича 2021 йил 22 ноябрь куни тасдиқланган Бизнес-режада 316 957 минг сўм даромад олиш режалаштирилганлиги ва амалда олинган даромад 751 475 минг сўмни ташкил этганлиги, 2022 йилнинг учинчи чорагида олинган даромад ва давр харажатларини кескин ўсишига қуйидаги олимлар сабаб бўлганлигинини маълум қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 августдаги 204-сонли хизматда фойдаланиш учун тасдиқланган баёнини “Давлат улуши устун мавқега эга бўлган айрим корхоналар рўйхати ва улар томонидан 2021 йил якуни бўйича соф фойдасидан давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган дивидендлар (ажратмалар) миқдори” деб номланган 2-иловасининг 18-бандида “Ангрен логистика маркази” АЖ 2021 йил соф фойдасидан тўланиши лозим бўлган дивиденд (5% солиғи билан бирга) 390 900 минг сўм,



шундан ташкил этилган корхоналар ҳисобидан, яъни “Махсусюктранс” МЧЖ ҳисобидан 263 234 минг сўмини 2022 йилнинг август – ноябрь ойларида тасдиқланган жадвал асосида тўлаш муддатлари белгиланган.

2. “Ангрен логистика маркази” АЖ томонидан ушбу баённи ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йил 27 сентябрь куни “Ангрен логистика маркази” АЖга “Махсусюктранс” МЧЖ томонидан 2021 йилда олган соф фойдасидан ажратилган дивиденд(ажратмаси)ни тақсимлаш тўғрисида”ги LC/30-сонли буйруғи қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 августдаги 204-сонли хизматда фойдаланиш учун тасдиқланган баённи ижросини таъминлаш мақсадида “Ангрен логистика маркази” АЖга “Махсусюктранс” МЧЖ томонидан 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича олган соф фойдасидан ажратган 315 747 минг сўм дивиденд(ажратмаси)дан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32-моддасига асосан 5 фоизини ташкил қилган 15 787 минг сўмини жамиятнинг захира фондига ўтказилган, 11,7 фоизини яъни, 36 726 минг сўми жамиятни ривожлантириш учун йўналтирилган, 83,3 фоизини ташкил қилган 263 234 минг сўми давлат улуши бўйича дивидендга йўналтириш учун ажратилган.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 5

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

**9. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил учун Бизнес-режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги тўққизинчи масала** юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, кузатув кенгаши аъзоларидан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилган Бизнес-режаси лойиҳасини кўриб чиқиб, ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

А.Хайдаров “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилган Бизнес-режаси Ўзбекистон Республикаси Давлат активлари агентлиги томонидан давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик субъектлар Бизнес-режаларини тузиш бўйича тайёрланган методик тавсияларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланганлигини қайд этди.

Б.Абдураимов, Жамият 2023 йилда 12 526,8 млн. сўм даромад қилиб, давлат бюджетига 4 113,9 млн. сўм солиқ тўлаш ва молиявий йилни 1 423,9 млн. сўм соф фойда билан якунлаш режалаштирилганлигини маълум қилди ва кузатув кенгаши аъзоларидан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилган Бизнес-режасини тасдиқлаб беришларини сўради (Бизнес-режа лойиҳаси баённомага илова қилинади.).

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – 5

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

**10. Кун тартибидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги 5197-сонли “Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ижросини ташкиллаштириш тўғрисида”ги ўнинчи масала** юзасидан Б.Т.Абдураимов сўзга чиқиб, мазкур қарорда «E-auksion» электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукционни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини соддалаштириш ҳамда унификация қилиш, жараёнларнинг очиклиги ва шаффофлигини ошириш, иштирокчилар ҳуқуқларини ишончли

ҳимоя қилиш, шунингдек, аҳолининг аукционда қатнашиши учун қулайликлар яратиш мақсадида қўйидаги қатъий қоидалар амалга киритилганлиги тўғрисида маълумот берди.

Қарорнинг 1-бандига асосан 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб «E-auction» электрон савдо платформасидаги электрон онлайн-аукционлар тартиб-таомилларининг ягона тартиби жорий этилган ва унга мувофиқ:

иштирокчиларга, шу жумладан чет эл фуқароларига аукционда қатнашиш учун электрон рақамли имзо калити сертификати масофадан туриб, Давлат активларини бошқариш агентлигининг «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонаси томонидан бепул тақдим қилинмоқда;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан объектларни аукционга чиқариш учун тўланадиган йиғим бекор қилинган;

аукцион ўтказиш тўғрисидаги хабар у ўтказиладиган кундан 30 кун олдин эълон қилинмоқда;

аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб аукцион жараёни якунига қадар иштирокчиларга объектни сотиб олиш бўйича аукцион қадамига боғланмаган ўз нарх таклифини киритиш ҳуқуқи берилган;

сотилган объектнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваригача бўлганда, тўловларни 10 иш куни, беш минг бараварига тенг ёки ундан ортиқ бўлганда тўловларни 15 иш куни мобайнида тўлаш имконияти яратилган; қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

аукционга чиқарилган объектларни сотишга ва олди-сотди шартномасини расмийлаштиришга фақат аукционда камида иккита иштирокчи қатнашганда рухсат берилган.

Мазкур тартиб қонунчилик ҳужжатлари билан электрон савдо платформаси орқали реализация қилиниши ёки ижарага берилиши белгиланган барча турдаги активларга нисбатан татбиқ этилган.

Қарорнинг 2-бандига асосан Электрон онлайн-аукцион иштирокчилари ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш мақсадида:

2021 йил 1 октябрдан бошлаб аукцион натижалари бўйича пул маблағлари «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонасининг махсус ҳисоб рақамида йиғилиб, аукцион ғолиби томонидан объект қабул қилинганлиги тасдиқлангандан сўнг, улар буюртмачи ҳисоб рақамига ўтказилмоқда;

Ижро ҳужжатлари бўйича автомобилотransпорт воситаларини реализация қилиш учун ўтказилган электрон онлайн-аукцион натижалари ҳақидаги баённома уни тақиқдан ечиш, шунингдек, аукцион ғолиби номига рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга қўйиш) учун асос ҳисобланиб, бунда мажбурий тартибда ундириш учун юборилмаган маъмурий жарималарни тўлаш мажбурияти автомобилотransпорт воситасининг собиқ эгаси зиммасида қолдирилмоқда;

электрон онлайн-аукционни ташкил этиш ва ўтказиш тартибидан ташқари бўлган тартиб-таомилларга риоя қилинмаганлиги учун аукцион натижалари тўғрисидаги баённомани бекор қилиш ёки ўзгартиришга йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланган.

Қарорнинг 3-бандига асосан:

устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, устав фондининг 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахсларнинг (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги корхоналар) улушлари, кўчмас мулклари, автомобилотransпорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини реализация қилиниши ва давлат иштирокидаги корхоналар кўчмас мулклари, автомобилотransпорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини ижарага берилиши белгиланган.

Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан:



кўчмас мулкларини ижарага беришда, уларнинг давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари, автомобилотранспорт воситаларини ижарага беришда жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари миқдорида, бошқа асосий воситаларини ижарага беришда эса Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган амортизациянинг камида йиллик энг юқори нормаси суммаси миқдорида бошланғич нархи белгиланиши қайд этилган;

кўчмас мулклари, автомобилотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини ижарага бериш ёки уларни ва улушни реализация қилиш ҳамда электрон онлайн-аукцион натижалари тўғрисидаги маълумотлар ўзларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилиши кўзда тутилган.

Қарорнинг 4-бандига асосан Давлат активларини бошқариш агентлиги Молия вазирлиги ҳамда давлат номидан акциядор (таъсисчи, мулкдор) вазифаларини амалга оширувчи бошқа вазирлик, идора ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда:

бир ой муддатда давлат иштирокидаги корхоналар бошқарув органлари йиғилишларида уларга тегишли бўлган улушлар, кўчмас мулклар, автомобилотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситалардан самарали фойдаланиш, шу жумладан уларни реализация қилиш ёки ижарага бериш бўйича «йўл хариталари»ни тасдиқлаш ташаббуси билан чиқиши;

икки ой муддатда давлат иштирокидаги корхоналарнинг улушлари кўчмас мулклари, автомобилотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситалари уларни реализация қилиш ёки ижарага бериш бўйича электрон савдо платформасидаги электрон онлайн-аукционга чиқарилишини бошлаши белгиланган.

Қарорнинг 5-бандига асосан 2022 йил 1 январдан бошлаб жисмоний ва юридик шахслар томонидан автомобилотранспорт воситаларини электрон савдо платформасидаги электрон онлайн-аукцион йўли билан ижарага беришда шартномаларни нотариал тасдиқлаш талаби бекор қилинган.

Бунда, электрон онлайн-аукцион натижасига кўра расмийлаштирилган баённома ижара шартномаси кучига эга бўлади.

Б.Абдураимов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги 5197-сонли “Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини маълумот ва ижро учун қабул қилиш тўғрисида таклиф киритди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга кўйилди.

Розилар – 5

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Юқорида баён қилинганларга асосан “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши

## Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси Ж.Синдаров жамиятнинг кузатув кенгаши раиси этиб сайлансин.

2. “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитаси таркибига кузатув кенгаши аъзоларидан А.Хайдаров, А.Тугизбаев, З.Мирзаев киритилсин.

Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси З.Мирзаев Стратегия ва инвестициялар қўмитаси раиси этиб сайлансин.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитаси раиси ва унинг аъзоларининг йиллик иш-режаси ишлаб чиқилсин ва кузатув кенгаши муҳокамасига тасдиқлаш учун киритилсин.

3. “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси таркибига кузатув кенгаши аъзоларидан А.Хайдаров, К.Жуланов, З.Мирзаев киритилсин.

Кузатув кенгаши аъзоси К.Жуланов Аудит қўмитаси раиси этиб сайлансин.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси раиси ва унинг аъзоларини йиллик иш режалари ишлаб чиқилсин ва кузатув кенгаши муҳокамасига тасдиқлаш учун киритилсин.

4. “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси таркибига кузатув кенгаши аъзоларидан А.Хайдаров, А.Тугизбаев, К.Жуланов киритилсин.

Кузатув кенгаши аъзоси А.Тугизбаев Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси раиси этиб сайлансин.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси раиси ва унинг аъзоларини йиллик иш режалари ишлаб чиқилсин ва кузатув кенгаши муҳокамасига тасдиқлаш учун киритилсин.

5. “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси таркибига кузатув кенгаши аъзоларидан А.Хайдаров, К.Жуланов, З.Мирзаев киритилсин.

Кузатув кенгаши аъзоси А.Хайдаров Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси раиси лавозимиغا тасдиқлансин.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси раиси ва унинг аъзоларини йиллик иш режалари ишлаб чиқилсин ва кузатув кенгаши муҳокамасига тасдиқлаш учун киритилсин.

6. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ички аудит хизматини ташкил этилсин. Ички аудит хизмати ходимлар сони бир нафар этиб белгилансин.

000667-сонли Ички аудиторлик сертификатига эга аудитор С.Нуртаев билан белгиланган тартибда солиқ тўловларини ҳисобга олмаганда 2 000 000 сўм миқдорда ҳар ой тўланадиган иш ҳаққи эвазига жамиятнинг 2023 йилги ички аудит хизматини амалга ошириш учун меҳнат шартномаси тузилсин.

7. “Ангрен логистика маркази” АЖга “Махсусюктранс” МЧЖ томонидан 2021 йилда олган соф фойдасидан ажратилган дивиденд(ажратмаси)ни тақсимлаш тўғрисида”ги масалани “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ягона акциядори Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига қарор қабул қилиш учун киритилсин.

8. “Ангрен логистика маркази” АЖ ижроия органининг 2022 йил учинчи чорак яқунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин. Жамият ижроия органи:

- 2022 йил учинчи чоракдаги фаолияти яқунларини ўз мажлисларида танқидий кўриб чиқсин ва 2022 йилнинг тўртинчи чорагига белгиланган Бизнес-режа кўрсаткичларини тўлиқ ижросини таъминласин;

- 2022 йилнинг тўртинчи чорагига белгиланган Бизнес-режа кўрсаткичларининг тўлиқ бажарилиши учун жавобгарлик шахсан “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори Б.Абдураимов зиммасига юклатилсин.

9. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йилга мўлжалланган Бизнес-режаси тасдиқлансин.

10 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги 5197-сонли “Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини



ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарорини ижро учун қабул қилинсин.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг асосий фаолиятда тўлиқ фойдаланилмаётган кўчмас мулк объектлари, носоҳавий кўчмас мулк объектлари ва сўнгги уч йилдан бери фойдаланилмаётган таъмирталаб автомобилотранспорт воситаларини белгиланган тартибда “E-auksion” электрон савдо платформасига ижарага бериш учун савдога чиқарилсин.

Ижро органи жамиятнинг асосий фаолиятда тўлиқ фойдаланилмаётган кўчмас мулк объектлари ва автомобилотранспорт воситаларини белгиланган тартибда ижарага бериш нархларини ишлаб чиқиб тасдиқласин.

Кузатув кенгаши аъзоси

Кузатув кенгаши аъзоси

Кузатув кенгаши аъзоси

Кузатув кенгаши аъзоси

Кузатув кенгаши аъзоси



 А.Хайдаров

 К.Жуланов

 Ж.Синдаров

 А.Тугизбаев

 З.Мирзаев

Баённома имзоланган сана: 2022 йил 29 ноябрь